

Қиёматнинг аввалги белгиси



09:02 / 20 январь 8361

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Саломга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага келганлари хабари етди. Шунда у деди: «Мен сендан уч нарса ҳақида сўрайман. Уларни набийдан бошқа билмайди. Қиёматнинг аввалги белгиси нима? Жаннат аҳли аввал ейдиган таом нима? Нима сабабидан бола отасига ўхшайди? Нимадан бола тоғаларига ўхшайди?» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳозиргина Жаброил менга уларнинг хабарини берди»**, дедилар. «Ўша фаришталарнинг яҳудийларга душманидир», деди Абдуллоҳ. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёматнинг аввалги белгиси олов одамларни машриқдан мағрибга тўплаши. Жаннат аҳли ейдиган аввалги таом балиқ жигарининг парчаси. Боланинг отасига ўхшаши: эркак аёлга яқинлик қилганда унинг суви ўзиб кетса, бола унга ўхшаш бўлади. Қачон аёлнинг суви ўзиб кетса, унга ўхшаш бўлади»**, дедилар. «Албатта, сиз Аллоҳнинг Расулисиз, деб гувоҳлик бераман!» деди. Кейин у: «Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудийлар бўхтончи қавм. Агар улардан сўрашингиздан олдин менинг Ислом(га кирган)им ҳақида билишса, ҳузурингизда менга бўхтон қилишади», деди.

Яҳудийлар келишди. Абдуллоҳ бир хонага кирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Абдуллоҳ ибн Салом ичингизда қандай одам?»** дедилар. «У энг илмлигимиздир, энг илмлигимизнинг ўғлидир! У энг

яхшимиздир, энг яхшимизнинг ўғлидир!» дейиши. «**Айтинглар-чи, агар Абдуллоҳ мусулмон бўлса-чи?**» дедилар. «Аллоҳ уни бундан сақласин!» дейиши. Абдуллоҳ уларнинг олдига чиқди ва: «Ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мухаммадан Расулуллоҳ!» деди. Шунда улар: «У ёмонимиз, ёмонимизнинг ўғлидир!» дейиши ва унинг ҳақида ёмон сўзлар айтишди».

Бухорий ривоят қилган.